



2020 yil “_27_” _Февраль_

Қ -358- sonli

Туман худудидаги барча юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган автотранспорт воситаларини 2020 йилда мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тўғрисида”ги низоми ҳамда вилоят ҳокимлигининг жорий йилнинг 3 февралдаги 03-11/68-сонли йиғилиш баёнининг ижросини таъминлаш ҳамда 2020 йилда туман худудидаги юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган автотранспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказишни уюшқоқлик билан, сифатли ташкил этилишини таъминлаш мақсадида,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н

1. Тумандаги барча юридик ва жисмоний шахсларга, шу жумладан хорижий юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган ва белгиланган тартибда давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида рўйхатдан ўтказилган транспорт воситалари мажбурий техник кўриқдан ўтказилиши таъминлансин.

2. Тумандаги автобуслар, микроавтобуслар, автомобиллар, мотоцикллар ва тиркамаларни (кейинги ўринда Транспорт воситалари деб юритилади) давлат техник кўригидан ўтказиш, туман ички ишлар бўлимининг йўл ҳаракати хавфсизлиги гуруҳи ЙХХБ ДЙХХ (инспектори) зиммасига юклатилсин.

3. Техник кўриқдан ўтказишда диагностика станциялари, хусусий техник хизмат кўрсатиш станцияларининг созлиги ҳамда харкатланувчи таъмирлаш ва тузатиш устахоналарининг белгиланган тартибда жихозланганлигига алоҳида эътибор қаратилсин.

4. 2020 йил давомида техник кўриқни уюшқоқлик билан, сифатли ўтказиш мақсадида, туман комиссияси тузилсин. Комиссия аъзоларининг таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Туман ИИБ ЙХХГ (У.Кенжаев)га:

юридик шахсларнинг транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш жадвалини тумандаги барча корхона, муассаса ва ташкилотларга етказиш ҳамда ўз вақтида бажарилиши таъминлаш;

хусусий техник хизмат кўрсатиш станциялари (ТХС) ва тадбиркорлик субъектлари (Субъектлар) томонидан транспорт воситаларининг техник ҳолати ва ускуналарининг мувофиқлигини баҳолаш белгиланган талаблар ва қатъий

елгиланган нархлар асосида амалга оширилишини қатъий назоратга олиш юклатилсин ҳамда туман комиссия раисига бажарилган ишлар юзасидан доимий ёзма равишда ахборот бериб борсин.

6. Тумандаги ҳар бир ташкилот, корхона ва муассаса раҳбарлари ҳамда шахсий автомашина эгаларига автотранспорт воситаларининг доимий равишда техник жихатдан созлигини таъминлаш ва ўз вақтида техник кўриқдан ўтказиш тавсия этилсин.

7. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш, туман ҳокимининг ўринбосари Р.Ишбаев зиммасига юклатилсин.

8. Мазкур қарор расман эълон қилинган кундан кучга киради.

Туман ҳокими



О.Муҳаммадиев